



**“ТРАСТБАНК” ХУСУСИЙ АКЦИЯДОРЛИК БАНКИ  
БАНК ОПЕРАЦИЯЛАРИ МЕТОДОЛОГИЯСИ БОШҚАРМАСИДА  
РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛДИ**

**2021 йил 29 январь  
155В-сон**

**“Трастбанк” хусусий акциядорлик банки кузатув кенгашининг**

**““Трастбанк” хусусий акциядорлик банкининг  
2021 йилга белгиланган дивиденд сиёсати”ни  
тасдиқлаш тўғрисида”**

**ҚАРОРИ**



**“ТРАСТБАНК” ХУСУСИЙ АКЦИЯДОРЛИК БАНКИ  
КУЗАТУВ КЕНГАШИ  
Қ А Р О Р И**

**Банк фаолиятини бошқаришнинг  
2021 йилга белгиланган сиёсатларини  
тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” қонунига мувофиқ “Трастбанк” хусусий акциядорлик банкининг кузатув кенгаши **қарор қилади:**

1. Банк фаолиятини бошқаришнинг 2021 йилга белгиланган қуйидаги сиёсатлари тасдиқлансин:

“Трастбанк” хусусий акциядорлик банкининг 2021 йилга белгиланган депозит сиёсати 1-иловага мувофиқ;

“Трастбанк” хусусий акциядорлик банкининг 2021 йилга белгиланган дивиденд сиёсати 2-иловага мувофиқ;

“Трастбанк” хусусий акциядорлик банкининг 2021 йилга белгиланган инвестиция сиёсати 3-иловага мувофиқ;

“Трастбанк” хусусий акциядорлик банкининг 2021 йилга белгиланган кадрлар сиёсати 4-иловага мувофиқ;

“Трастбанк” хусусий акциядорлик банкининг 2021 йилга белгиланган капитални бошқариш сиёсати 5-иловага мувофиқ;

“Трастбанк” хусусий акциядорлик банкининг 2021 йилга белгиланган кредит сиёсати 6-иловага мувофиқ;

“Трастбанк” хусусий акциядорлик банкининг 2021 йилга белгиланган ликвидликни бошқариш сиёсати 7-иловага мувофиқ;

“Трастбанк” хусусий акциядорлик банкининг 2021 йилга белгиланган нарх-наво сиёсати 8-иловага мувофиқ;

“Трастбанк” хусусий акциядорлик банкининг 2021 йилга белгиланган таваккалчиликларни бошқариш сиёсати 9-иловага мувофиқ;

“Трастбанк” хусусий акциядорлик банкининг 2021 йилга белгиланган хорижий валютадаги активларни бошқариш сиёсати 10-иловага мувофиқ;

“Трастбанк” хусусий акциядорлик банкининг 2021 йилга белгиланган қимматли қўғозлар эмиссияси сиёсати 11-иловага мувофиқ;

“Трастбанк” хусусий акциядорлик банкининг 2021 йилга белгиланган ҳисоб сиёсати 12-иловага мувофиқ.

2. Мазкур қарор Банк ички норматив ҳужжатлари реестрида рўйхатдан ўтказилган куннинг эртасидан бошлаб кучга киради.

**Кузатув кенгаши раиси**

**Т.Шарипов**

Тошкент шаҳри,  
2021 йил 29 январь,  
12-сон.

**“Трастбанк” хусусий акциядорлик банкнинг  
2021 йилга белгиланган  
ДИВИДЕНД СИЁСАТИ**

*Мазкур Сиёсатга қуйидагиларга мувофиқ қўшимчалар ва ўзгартишлар киритилган:  
Банк кенгашининг 2021 йил 25 февралдаги 22-сон қарори билан тасдиқланган ва 581-  
сон билан рўйхатга олинган ички норматив ҳужжат.*

Ушбу ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ва “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида” қонунлари асосида ишлаб чиқилди ва у “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки (кейинги ўринларда – Банк) томонидан дивиденд тўланиши тартибини белгилайди ҳамда Банкнинг молиявий барқарорлигини таъминлашга ва акциядорлар ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган.

**1-§. Умумий қоидалар**

1. Дивиденд Банк фойдасининг, солиқ ва йиғимлар тўлангандан ҳамда банк капиталини оширишга ажратмалар амалга оширилгандан сўнг, акциядорлар ўртасида тақсимлаш учун қоладиган қисми ҳисобланади.

Банк ўз акциясининг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендни тўлайди.

*(Банк кенгашининг 2021 йил 25 февралдаги 22-сон қарори билан тасдиқланган ва 581-сон билан рўйхатга олинган ички норматив ҳужжат таҳриридаги банд)*

2. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акциялар сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

**2-§. Дивиденд сиёсатининг моҳияти**

3. Банкнинг дивиденд сиёсати – тўланадиган дивиденд миқдорини аниқлашда Банк ва унинг акциядорлари манфаати уйғунлигига эришиш, Банкнинг инвестицион жозибadorлиги, молиявий барқарорлиги, капиталлашуви ва ликвидлигини ошириш, устав капитали даромадлигини таъминлашга, шунингдек акциядорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва улар ҳаётининг фаровонлигини оширишга йўналтирилган фаолият.

Банкнинг дивиденд сиёсати Банкнинг бозор қийматини максимал ошириш мақсадида Банк фойдасининг ишлатиладиган ва капиталлаштириладиган қисмлари мутаносиблигини оптималлаштиришга қаратилган фойдани бошқаришга оид умумий сиёсатнинг таркибий қисми ҳисобланади.

**3-§. Дивиденд тўлаш тўғрисида қарор қабул қилиш**

4. Акциянинг ҳар бир тури бўйича дивиденд тўлаш, дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисида қарор Банк кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида Банк акциядорлари умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

Дивиденд миқдори унинг Банкнинг кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдоридан кўп бўлмайди.

5. Банк жойлаштирилган акциялар бўйича молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи якунларига кўра ва (ёки) молиявий йил якунига кўра дивиденд тўлашга ҳақли ҳисобланади. Молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи якунларига кўра дивиденд тўлаш тўғрисида қарор тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

6. Банк акциядорлари умумий йиғилиши дивиденд юзасидан қуйидагича қарор қабул қилиши ҳам мумкин:

а) Банк устав капиталини кўпайтириш мақсадида ўтган йиллар тақсимланмаган фойдасини капитализация қилиш йўли билан қўшимча акциялар чиқариш ва уларни акциядорлар орасида уларнинг устав капиталидаги улушига мутаносиб равишда тақсимлаш ҳақида;

б) Банкнинг молиявий ҳолатини яхшилаш мақсадида дивидендни устав капиталини тўлдирishга йўналтириш (фойдани капитализация қилиш) ҳақида;

в) агар дивиденд тўланадиган пайтда Банкда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки шундай белгилар дивиденд тўлаш натижасида пайдо бўлиши кутилса, акцияларнинг муайян турлари бўйича дивиденд тўламаслик тўғрисида, шунингдек Банк уставида дивиденд миқдори белгилаб қўйилган имтиёзли акциялар бўйича тўлиқ бўлмаган миқдорда дивиденд тўлаш ҳақида.

7. Имтиёзли акциялар бўйича дивиденд тўлаш Банк уставига мувофиқ амалга оширилади.

#### **4-§. Дивидендни тўлаш тартиби**

8. Дивиденд Банк акциядорларига қуйидагилар асосида тўланади:

а) молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи якунлари, шунингдек молиявий йил якуни бўйича Банк соф фойда олган бўлса;

б) Банк кузатув кенгашининг дивиденд миқдори ва уни тўлаш тартибига оид тавсияси ифодаланган қарори мавжуд бўлса;

в) Банк акциядорлари умумий йиғилишининг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи якунлари, шунингдек молиявий йил якунига кўра дивиденд

тўлаш тўғрисида қарори мавжуд бўлса.

9. Дивидендга йўналтириладиган маблағ ҳажми “Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисида низом” (*Адлия вазирлигида 2015 йил 6 июлда 2693-сон билан рўйхатга олинган*) ва “Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида низом (*Адлия вазирлигида 2015 йил 14 июлда 2696-сон билан рўйхатга олинган*) асосида капитал захиралар ва стандарт активларга яратиладиган захираларга ажратма қилгандан сўнг қолган соф фойдадан келиб чиқиб аниқланади.

9-1. Дивиденд тўлашга йўналтириладиган маблағ ҳажми солиқ ва йиғимлар тўлангандан сўнг соф фойданинг капитал захиралар ва стандарт активларга яратиладиган захираларга ажратмалар қилингандан кейин қолган қисмидан келиб чиқиб аниқланади. (*Банк кенгашининг 2021 йил 25 февралдаги 22-сон қарори билан тасдиқланган ва 581-сон билан рўйхатга олинган ички норматив ҳужжат таҳриридаги банд*)

10. Дивиденд Банк томонидан қуйидаги шаклларда тўланади:

а) пул маблағида;

б) Банк акцияларида (дивидендни устав капиталини тўлдиришга йўналтириш).

Имтиёзли акциялар бўйича дивидендни Банк акциялари билан тўлашга йўл қўйилмайди.

11. Дивиденд акциядор-жисмоний шахсга унинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозит ҳисобварағига пул ўтказиш орқали тўлаб берилади. Акциядор ўз дивидендини олиш учун учинчи шахс номига нотариус томонидан тасдиқланган ишончнома беришга ҳақли ҳисобланади.

12. Дивиденд акциядор-юримдик шахсга унинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозит ҳисобварағига пул ўтказиш йўли билан тўланади.

13. Акциядор ҳақида тўлиқ маълумот бўлмаган тақдирда унга ҳисобланган дивиденд Банкнинг 29822 “Тўланиши лозим бўлган дивидендлар” ҳисобварағига ўтказилади.

14. Акциядор томонидан яшаш манзили, банк реквизити ва ҳисобварағи ўзгарганлиги маълум қилмаганлиги туфайли унга дивиденд ўз вақтида тўланмаса, Банк жавобгар бўлмайди.

Тўланмаган (олинмаган) дивидендга фоиз ҳисобланмайди.

Дивиденд Банк акциядорлари умумий йиғилиши томонидан белгиланган муддатда Банкнинг айби билан тўланмаган (олинмаган) тақдирда, тўланмаган (олинмаган) дивиденд бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий ставкасидан келиб чиққан ҳолда пеня ҳисобланади. Тўланмаган (олинмаган) дивиденд бўйича ҳисобланадиган пеня миқдори тўланмаган (олинмаган) дивиденднинг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги лозим.

15. Дивидендни тўлаш муддати Банк акциядорлари умумий йиғилиши қарори билан белгиланади. Дивиденд уни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтиш кун ичида тўланади.

16. Биринчи навбатда имтиёзли акцияларга, сўнг оддий акцияларга дивиденд тўланади.

Имтиёзли акциялар бўйича қатъий белгиланган дивидендни тўлаш учун етарли миқдорда фойда мавжуд бўлган тақдирда Банк мазкур акциялар эгаларига дивиденд тўлашни рад этишга ҳақли эмас. Фойда етарли бўлмаганда ёки зарар кўриб ишлаётганда имтиёзли акциялар бўйича дивиденд Банк томонидан Банкнинг фақат шу мақсад учун ташкил этилган захира фонди ҳисобидан ва ушбу фонддаги мавжуд маблағ доирасида тўланиши мумкин.

17. Акциядорларга дивиденд тўлаш Банк акциядорлари умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган (Банк акциядорлари умумий йиғилиши ўтказилишидан уч иш куни олдин шакллантирилган) Банк акциядорлари реестри маълумотларига мувофиқ амалга оширилади.

18. Банк Ўзбекистон Республикасининг норезидент акциядори ёзма аризасига кўра унга ҳисобланган дивидендни эркин айирбошладиган хорижий валютага айирбошлайди ва маблағни норезидент акциядор тақдим этган банк ҳисобварағига ўтказиб беради.

#### **5-§. Дивиденд тўланиши ҳақида акциядорларни хабардор қилиш**

19. Банк дивиденд миқдорини ундан ундириладиган солиқни инобатга олмаган ҳолда эълон қилади. Банк тўланадиган дивиденд миқдори тўғрисида маълумотни қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи веб-сайтида, шунингдек Банкнинг расмий веб-сайтида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган муддатда эълон қилади.

#### **6-§. Дивиденд тўлашдаги чекловлар**

20. Банк қуйидаги ҳолларда дивиденд тўлаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли эмас:

а) пруденциал нормативлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаганда ёки улар мазкур дивиденд тўлаш оқибатида бузилганда;

б) ночорлик (банкротлик) бўлганда ёки дивиденд тўлаш оқибатида ночорликнинг (банкротликнинг) аломатлари юзага келганда;

в) Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмасида акс этирилган, шу жумладан ахборотни ошкор этиш борасида кўрсатилган камчиликлар бартараф этилмаганда ёки уларни бартараф этиш имконияти мавжуд

бўлмаганда;

г) Банкка нисбатан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг дивиденд тўлашни тўхтатиш (фойдани тақсимламаслик) тўғрисида талаби мавжуд бўлса;

д) Банк соф активларининг қиймати унинг устав капитали (30300-ҳисобварақ) ва захира капитали (30900-ҳисобварақ) йиғиндисидан кам бўлса.

21. Ушбу Сиёсатнинг 20-бандида кўрсатилган ҳолатлар бартараф этилгач, Банк ҳисобланган дивидендни акциядорларга тўлаб беради.

22. Банк қуйидаги ҳолларда дивиденд тўлаш (фойдани тақсимлаш) учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг розилигини олади:

а) тўланадиган дивидендларнинг умумий қиймати Банк ўз капиталининг (регулятив капиталининг) ўн фоизидан ортганда;

б) жорий ёки ўтган чоракни ва (ёки) молия йилини зарар билан яқунлаганда.

#### **7-§. Дивидендни солиққа тортиш**

23. Банк акциядорларига тўланадиган дивиденд Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ солиққа тортилади.

#### **8-§. Яқуний қоидалар**

24. Мазкур Сиёсат нормаларига Бош банк таркибий тузилмаларининг хизмат фаолияти юзасидан дивиденд тўлови операциясини амалга оширувчи барча масъул ходимлари риоя этишлари шарт.

25. Мазкур Сиёсат ижросини назорат қилиш Бош банкнинг Қимматли қоғозлар бошқармасига юклатилади.

**Бошқарув раиси**

**С.Нормухамедов**

*Бошқарув аъзолари билан келишилди:*

Бошқарув раисининг биринчи ўринбосари	Ф.Самарходжаев
Бошқарув раиси ўринбосари	К.Габбазов
Бошқарув раиси ўринбосари	З.Курганов
Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи департаменти директори	М.Маисова
Стратегик ривожланиш департаменти директори	С.Урманова
Иқтисодий таҳлил ва статистика департаменти директори	М.Мухаммедярова
Юридик хизмат департаменти директори в.в.б.	М.Мамбетов